



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**

**Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга**

**доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорига**

**ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

**VQL-852/24-2**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 январдаги ПФ-8-сон Фармони З-илова 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорга иловага мувофиқ тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солик қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Солик қўмитаси Раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг

2024 йил “\_\_\_” ——даги \_\_\_-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари**

**фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил  
28 августдаги 253-сон қарорига киритилаётган**

**ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. қўйидаги таҳрирдаги 1-банд билан тўлдирилсин:

“1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

хар бир худуд бўйича вилоят ҳокимликларининг бозорлар ва савдо комплекслари ва уларнинг филиалларининг жойлашуви, улардаги савдо ўринлари, иш кунлари ва бошқа зарурий маълумотларни ўз ичига олган қарорларини ҳар йили тақдикланисинлар;

Солик қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда худудлардаги давлат улуши мавжуд ва хусусий мулк эгалигида бўлган барча бозорлар ва савдо комплекслари хатловдан ўтказилсин ҳамда 2024 йилнинг 1 апрелига қадар қарор қабул қилиниши таъминланисин.”;

2. қўйидаги таҳрирдаги 2-банд билан тўлдирилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2024 йилнинг 1 июлига** қадар:

бозорлар ва савдо комплексларини реал вақт режимида бошқариш, назорат қилиш ва улардаги савдо ўринлари, дўконлар ва расталарнинг жойлашуви ҳамда уларнинг бандлиги (бўшлиги) ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш, шунингдек уларни масофадан электрон тарзда (онлайн) банд этиш ҳамда тўловларни инсон омилисиз масофадан амалга ошириш каби интерактив хизматларни кўрсатиш имконини берувчи “E-bozor” электрон автоматлаштирилган (кейинги ўринларда Ахборот тизими - деб юритилади) ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва дастлаб Тошкент шаҳридаги бозорларда ишга туширилсин;

ахборот тизимни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш билан боғлик харажатлар Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.”;

3. 2 қўйидаги таҳрирдаги 3-банд билан тўлдирилсин:

“3. Белгиласинки:

1) Ахборот тизимини юритиш, уни такомиллаштириб бориш Солик қўмитаси томонидан амалга оширилади;

тизимни тўлиқ ишлашини назорат қилиш мақсадида Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман(шаҳар) марказларидаги бозорлар ва савдо комплексларидағи савдо ўринлари ҳамда улар худудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сонидан келиб чиқиб, 1-6 нафаргача

солиқ органлари ходимлари бириктирилсін ҳамда ҳар бир бозорлар ва савдо комплексларыда давлат солиқ хизмати органларининг таянч пунктлари ташкил этилсін.

Солиқ құмитаси марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларида республика ҳудудида фаолият юритаётган бозорлар ва савдо комплекслари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бўлим ва шўъба ташкил этилсін.

2) 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

мулкчилик шаклидан қатъий назар республикадаги мавжуд барча бозорлар ва савдо комплекслари ҳамда улар фаолиятини назорат қилувчи масъул ташкилот ва идоралар ўзларининг фаолиятини Ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилган ҳолда амалга оширади;

янги ташкил этилган бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига улар Ахборот тизимиغا тўлиқ интеграция қилингандан сўнг руҳсат этилади.

бозорлар ва савдо комплексларидаги турғун савдо шохобчаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар субъектлари билан ижара шартномаси факат e-ijara.solq.uz платформаси орқали амалга оширилади;

Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган дәхқон бозорлардаги мавжуд савдо расталари тадбиркорлик субъектлари ёки ўзини-ўзи банд қилган субъектлар томонидан шартнома асосида ажратилиши белгилансин.”;

биринчи-бешинчи бандлар тегишинчи тўртинчи-саккизинчи бандлар деб ҳисблансин.

4. 1-иловада:

а) 2-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошлари билан тўлдирилсін:

**“E-bozor ахборот тизими** – барча бозорларнинг ягона интерактив электрон ахборот тизими бўлиб, ушбу тизим орқали бозор бошқарувчиларига (тизимда Администраторлар – номи остида) ҳамда савдо фаолиятини амалга оширувчи сотувчиларга (тизимда Фойдаланувчилар – номи остида) реал вақт режимида онлайн тарзда бозор ҳудудидаги савдо жойларини ижарага бериш ва олиш ҳамда тегишли маълумотларни (бозорнинг паспорти, хавфсизлик паспорти, бозор ва савдо жойлари ҳақидаги, тасдиқланган ижара тўловлари ва бир марталик йиғимлар миқдорлари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни) сақлаш ва олиш, шунингдек ижара ва бир марталик йиғимлар учун тўловларни амалга ошириш ҳамда бошқа хизматлардан ўз шахсий кабинетлари орқали фойдаланиш имконини берувчи интерактив онлайн ахборот тизим (кейинги ўринларда Ахборот тизим – деб юритилади);

**Бозор инфратузилмаси** – асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиши жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни қўриқлаш ва тозалаш, майший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиши, ташқи мухандислик-коммуникация иншоатлари.”;

б) 30-банддаги “жисмоний шахсларга факат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда берилади” сўзлари тегишинча “жисмоний шахсларга факат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномага эга бўлганларга берилади” сўзлари билан тўлдирилсін;

в) 42-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳrirда баён этилсін:

“Савдо ўринлари сонидан қатъий назар барча бозорларда, савдо комплексларида ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар фақат “E-bozor” ахборот тизими орқали автоматлаштирилган ҳисобга олиш йўли билан, йиғимнинг тўлиқлигини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан ҳар куни текширган ҳолда ундирилади.”.